

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлъёзма хуқуқида  
УДК: 378.6:372.21

**СОДИҚОВА Шоиста Акбаровна**

**“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ” ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ  
ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ**

13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2009**

Таджиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Эгамбердиева Нодира Мелибоевна**

**Расмий оппонентлар:** педагогика фанлари доктори, профессор  
**Куронов Муҳаммаджон Қуронович**

педагогика фанлари номзоди  
**Махкамова Муборак Юсуповна**

**Етакчи ташкилот:** Гулистан давлат университети

Диссертация химояси 2009 йил “11” декабрь соат 14<sup>00</sup> да  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги  
педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар  
химояси бўйича К.067.18.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенга  
йиғилишида ўtkазилади.

Манзил: 100070. Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-үй.  
Тел: (99871) 254-92-02. факс: (99871) 215-54-18, e-mail: tgpu info@ edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги ТДПУ ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин (100003, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси,  
103-үй)

Автореферат 2009 йил “10” ноябрь да тарқатилди

Бирлашган ихтисослашган  
кенга илмий котиби,  
п.ф.н., доцент

**Р.Г.Исянов**



## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбиги.** Ўзбекистон Республикасида мустакиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуидагиларни таъкидлайди: “Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вактда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халк маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омиллар. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Республикада амалга оширилаётган таълимий ислоҳотлар жараённида малакали кадрларни тайёрлашдек долзарб масаланинг ижбий ечимга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Зоро, малакали мутахассислар, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти туфайли иктиносий ўзгаришлар жараённинг муҳим талаблари “корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашни янада такомиллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш”<sup>2</sup>да юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Ўтган вақтда жамиятда рўй берган туб ижтимоий ўзгаришлар, қарор топган янги ижтимоий муносабатлар таъсирида педагогик тафakkур ҳам янгиланди. Бунинг натижасида педагогик туркум фанлар мазмунан такомиллашди, янги ўкув фанларининг ўқитилиши йўлга қўйилди. Жумладан, педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогик технология” ва “Ижтимоий педагогика” каби ўкув фанларининг ўқитилиши бўлажак ўқитувчиларда ижодий қобилият ҳамда ижтимоий фаоллик кўнинмаларини шакллантириш имкониятини юзага келтирди. Амалга оширилаётган кенг кўламли таълимий ислоҳотларнинг якуний натижаси бўлган “... ўзининг қадр-кимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, хаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш”<sup>3</sup>да “Ижтимоий педагогика” ўкув фани катта имкониятларга эга.

Айни вақтда педагогика олий таълим муассасаларида мазкур фан асосида талабаларни ижтимоий-педагогик фаoliyatни ташкил этишига тайёрлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ижтимоий-педагогик фаoliyat – ижтимоий фаoliyat кўринишларидан бири бўлиб, у маҳсус педагогик маълумотга эга мутахассис томонидан муайян тоифадаги шахслар (имконияти чекланганлар, мухтоҷ субъектлар)га ижтимоий ёрдам кўрсатиш, кўллаб-кувватлаш, тузатиш ва қайта тикилаш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юқсан маънавият – ёнгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.61.

<sup>2</sup> Каримов. И.А. Жаҳон модернивий-ижтимоий инқорози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг ўйлари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.32.

<sup>3</sup> Барқамол авлод орзузи Гузувчишар Ш.Курбонов, Х.Саидов, Р.Ахлидинов. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.42.

орқали шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Глобаллашув шароитида ўзига хос ижтимоий институт ҳисобланувчи мактабгача таълим муассасаларида ҳам ижтимоий-педагогик фаолиятни йўлга кўйиш мухим вазифа ҳисобланади. Бинобарин, болаларни мактабгача таълим ёшидан ижтимоий муносабатларга мослаштириш турли салбий ҳолатлар юзага келишининг оддини олишида ўзига хос долзарблик касб этади. Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолият болаларни ижтимоий хаётга мослаштиришда ижтимоий-педагогик фаолият асосларини пухта ўзлаштира олган тарбиячиларнинг ўрни ва роли бекиёсдир. Шунга кўра педагогика олий таълим муассасаларида турли йўналишлар, шу жумладан, “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ўзига хос долзарблик касб этади.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш – аниқ мақсадга йўналтирилган, изчил, тизимли ва узлуксиз ташкил этилувчи таълим жараёни саналади. Ушбу жараённинг самарали ташкил этилишида: ижтимоий-педагогик эҳтиёж, таълим муассасасининг моддий-техник имконияти ва малакали педагог кадрларга эзалиги, методик таъминотнинг бойлиги, ўқув машғулотларининг замонавий педагогик талабларга мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолият асосларини пухта ўзлаштиришга бўлган қизикиши даражаси ва таълимий фаолликлари мухим аҳамиятга эга.

Ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ижобий ечимини топишга йўналтирилган педагогик фаолият қўлами жихатдан мураккаб бўлиб, у бир неча йўналишларда ташкил этилади. Шахсни ижтимоий муносабатларга мослашувини таъминлаш; ота-она қарови ва парваришидан маҳрум бўлган болалар билан ишлаш; нормадан оғиш ва девиация (шахс хулк-авторининг мавжуд ижтимоий ва ахлоқий меъёrlарга мос келмаслиги) ҳолатларини намоён этувчи, шунингдек, спиртли ичимликлар ҳамда гиёҳванд моддаларни истеъмол килувчи болалар ва ўсмирлар ўртасида профилактика ишларини олиб бориши ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мухим йўналишлари ҳисобланади.

Муаммони назарий ва амалий ўрганиш педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш борасида дастлабки тажрибалар тўпланганлигини кўрсатди. Бирор, олий таълим муассасалари олдида бу йўлда ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар мавжуд. Бизning назаримизда улар қўйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасалари педагоглари томонидан “Ижтимоий педагогика” ўқув фанини самарали ўқитишига ёрдам берувчи зарур педагогик ва методик шарт-шароитларни яратиш;

- педагогларда талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишига тайёрлаш жараёнига нисбатан технологик ёндашувни карор топтириш;

- талабаларда ижтимоий-педагогик фаолият мөхияти, унинг ижтимоий-миллий аҳамияти ва ижобий натижаларини тўғри англаш ҳамда баҳолаш кўнисмаларини шакллантириш;

- талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишига тайёрлашда таълим муассасалари билан тегишли ижтимоий ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши ва бошқалар.

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда юкори натижаларга эришишни таъминлаб колмай, жамиятда кўзга ташланадётган бир катор ижтимоий муаммоларни қисман ва тўлақонли ҳал этилишига имкон беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шахс ва жамият муносабатлари, шахсни шакллантиришда ижтимоий муносабатларнинг ўрни, шахснинг ижтимоий-ахлоқий месъёрларга амал килиш шартлари, комил инсонни тарбиялашда ўқитувчининг роли Шарқ мутафаккирлари Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Ҳусайн Вониз Кошифий, Алишер Навоий, Абдулла Авлонийлар томонидан ўрганилган.

Педагогик таълимни ташкил этишининг психологик хусусиятлари, олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларда қасбий сифатларни такомиллаштириш масалалари М.Очилов, М.А.Абдулажонов, О.А.Абдуллина, Х.Абдукаримов, Н.Н.Азизходжаева, Л.М.Митина, К.Ангеловский, Ф.Р.Юзликаев, В.И.Андреев, В.В.Анисимов, О.Г.Грохольская, Д.Н.Арзикулова, М.М.Ахмеджанов, В.А.Сластенин, Э.Б.Бозоров, О.А.Мусурмонова, Г.Я.Вавилова, Б.З.Вульфов, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Джураева, Ш.Н.Мажитова, Ш.К.Мардонов, А.Н.Маркова, Е.И.Пассов, Г.И.Махмутова, М.Ю.Махкамова, С.И.Жалилова, Н.Очилова, Б.Х.Рахимов, Н.М.Романенко, К.Ф.Тешабоева, К.Тиллаев, Б.М.Турдибаева, Х.А.Тўракулов, М.М.Поташник, Н.Уринова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

П.Юсупова, Д.Абдураҳимова, Х.Б.Туленова, Д.Р.Бобоева, В.И.Логинова, П.Р.Саморукова, В.И.Ядэшко, Ф.А.Сохина, Г.Х.Жумашева, Х.И.Касымова, М.Ш.Расулова, М.А.Солихова, К.С.Шодиева ва бошқалар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг мазмуни, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий, жисмоний ва психологик жиҳатдан тарбиялаш, уларда мумомала маданияти ва нутқ кўнисмаларини ҳосил килиш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш муаммолари таҳлил этилган.

Ижтимоий педагогика асослари, ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни ва тамоили, ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш босқичлари, шакл, метод ва воситалари М.Куронов, А.В.Мудрик, Н.Эгамбердиева, З.Курбонниёзова, Л.И.Аксенова, Э.Аронсон, О.А.Колобов, П.В.Мигелева, Ф.А.Мустафаева, В.А.Никитин, В.Г.Дмитриева, Ф.П.Черноусова, И.В.Яркова, В.Д.Семёнов, В.И.Курбатов, Е.И.Холостовалар томонидан очиб берилган.

М.Иномова, А.К.Мунавваров ҳамда О.У.Ҳасанбоеваларниң ишларида эса оила педагогикасининг мазмуни, оиласа болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила аъзолари ўргасида ижтимоий муносабатларни ташкил этиш масалалари ёритилган бўлиб, мазкур ишлар мактабгача таълим муассасалари билан оиласа ўргасида ўзаро ҳамкорлик асосида болаларни ижтимоий хаётга мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Г.М.Бреслав, Г.В.Бурманская, О.А.Карабанова, А.Г.Лидерс, В.Гарбузов, А.И.Захаров, А.И.Шчербаков, В.М.Каримова, Р.С.Немов, Е.В.Кравцова, В.А.Крутецкий, М.В.Попова, Н.И.Шевандрин ҳамда Э.Фозиевлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда уларнинг психологик жиҳатдан камол топишлари ҳамда уларни салбий ижтимоий-психологик омиллардан муҳофаза қилишга хизмат қиласди.

Замонавий шароитни таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш, таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш тақозо этилмоқда. М.Очилов, Ж.Ф.Йўлдошев, Ў.Қ.Толипов, И.И.Зокиров, М.Усмонбоева, М.Т.Жуманиёзова, С.Усмонов, Б.Нуриддиновларнинг ишлари талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятта тайёрлаш жараёнини технологиялаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ёритишга ёрдам беради.

Бироқ, педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммосининг ўрганилмаганлиги тадқиқот учун ““Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш” мавзусини танлашга имкон берди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг фундаментал тадқиқотлар доирасига киритилган “ОТ-Ф8-214 – Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш” номли илмий-тадқиқот дастури доирасида баҳарилган.

Тадқиқот мақсади: педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш орқали мазкур жараён мазмунини ёритиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чикиш.

#### Тадқиқот вазифалари:

1. Фалсафа, педагогика, психология ҳамда социология йўналишларида яратилган манбалар ҳамда хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал этишга доир тажрибаларини ўрганиш асосида педагогика олий таълим муассасалари “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятта тайёрлаш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш.
2. “Макта бгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг мазмунини ёритиш.

3. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашга таъсир этувчи омиллар ва улардан унумли фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

4. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашга оид андозани яратиш ҳамда талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш кўнинма ва малакаларига эгаликлари даражасини баҳоловчи мезонларни асослаш.

5. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларни аниқлаш ҳамда илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот обьекти:** педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни, босқичлари, тамоилилари ва ташкилий-технологик элементлари.

**Тадқиқот методлари:** муаммога оид фалсафий, педагогик, психологик ҳамда социологик адабиётларни ўрганиш; қиёсий-педагогик таҳлил; ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб; сұхбат, тест, интервью); педагогик кузатиш; моделлаштириш, педагогик тажриба; экспер特 баҳолаш, математик статистика.

**Тадқиқот илмий фарази.** Агарда: педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари пухта ўрганилиб, мазкур жараёнга таъсир этувчи омиллар аниқланса, шунингдек, кўрсатилган йўналиш талабаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятта тайёрлик даражасини аниқловчи мезонлар асосланса ҳамда “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда янда юқори самарадорликка эришишини кафолатловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса тадқиқотни олиб боришдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш милий дастури”, Республика Президенти И.А.Каримовнинг узлуксиз таълимни такомиллаштириш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш тизимини яхшилаш ҳамда мазнавий баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш тўғрисидаги фикрлари, Шарқ мутафаккирларининг шахсни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш борасидаги карашлари, хорижий мамлакатларнинг замонавий шароитда шахсни ижтимоийлаштиришга оид тажрибалари, “Ижтимоий педагогика” фани асослари, шунингдек, ижтимоий-фалсафий, социологик, педагогик ва психологик йўналишларда амалга оширилган тадқиқотларда илгари сурйлган ғоялар мазкур илмий изланишнинг назарий мазмуни ва амалий ишланмаларини яратиш учун асос бўлиб хизмат килди.

## **Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги.
2. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни.
3. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашга самарали таъсир этувчи омиллар ва улардан унумли фойдаланиш имкониятлари.
4. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашга оид андоза ҳамда талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятни муваффакиятли ташкил этиш кўникма ва малакаларига эгаликлари даражасини баҳоловчи мезонлар.
5. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг шакл, метод ва воситалари ҳамда илмий-методик тавсиялар.

## **Илмий янгилиги:**

1. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланди.
2. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни ёритилди.
3. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этувчи омиллар ва улардан унумли фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.
4. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашга оид андоза яратилди ҳамда талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятни муваффакиятли ташкил этиш кўникма ва малакаларига эгаликлари даражасини баҳоловчи мезонлар асосланди.
5. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашнинг шакл, метод ва воситалари аникланди ҳамда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

## **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

1. Назарий тахлил асосида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг мазмуни ишлаб чиқилди ҳамда мавзуу мөхиятини ёритувчи таянч тушунчаларнинг педагогик мөхияти очиб берилди.
2. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги тажрибаларини ўрганиш орқали уларнинг илғор ютукларини миллӣ-этнopedагогик хусусиятларни инобатга олган ҳолда республика таълими мазмунига сингдириш имкониятлари аникланди.
3. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда ижтимоий субъектлар (оиласалар, мактабгача таълим муассасалари ҳамда уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилувчи органлар, тиббиёт ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари) билан

ҳамкорликка эришиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланди.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-технологик асосларини ишлаб чиқиши негизида: таълим муассасаси фаолиятини ўрганиш ва талабаларнинг фаолиятларини бевосита кузатиш асосида уларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш борасидаги мавжуд муаммолар аникланаби, уларни ижобий ҳал этиши йўларининг белгиланиши; “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашга оид маҳсус методиканинг асосланиши; тажриба-синов ишларини ташкил этишга технологик ёндашув асосида таълим ва аудиториядан ташқари шароитда талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга фарз тайёрлаш лойихаларининг яратилиши; “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда юқори натижаларни кафолатловчи илмий тавсияларнинг ишлаб чиқилиши каби ҳолатлар кўйидаги натижаларга эришишга ёрдам беради:

1) педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналиши педагоглари методик ишланмалар билан куролланадилар;

2) педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиши кўнинма ва малакалари шакллантирилади;

3) “Ижтимоий-педагогика” ўқув фани асослари мазмунан бойитилади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент вилояти ҳамда Навоий давлат педагогика институтларида олиб борилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Тадқиқотнинг асосий назарий гоялари ҳамда мухим амалий натижалари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, А.Авлоний номидаги Республика педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, Тошкент шаҳар педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда “Оила” илмий-амалий Маркази томонидан ташкил этилган илмий анжуманларда маъruzalар ўқиши, “Педагогик таълим”, “Ҳалқ таълими” журналларида илмий мақолалар эълон килиш, шунингдек, “Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш” номли методик кўлланмани чоп эттириш орқали оммалаштирилди.

**Натижаларнинг эълон қилинганилиги.** Тадқиқот ишининг мухим илмий натижалари муаллиф томонидан чоп этилган б та илмий иш (битта методик кўлланмана, учта илмий мақола ва иккита тезис)да ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, умумий хулоса ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил топган бўлиб, асосий мазмун 139 бетда ёритилган.

## **2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ишнинг кириш кисмида тадқиқ учун тақланган мавзунинг долзарбилиги асосланиб, ўрганилганлик даражаси баҳоланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, танланган илмий-педагогик методлар, химояга олиб чиқилётган ҳолатлар, илмий янгилиги, амалий ахамияти, шунингдек, оммалаштирилганлик даражаси ҳакида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби ““Мактабгача таълим” йўналиши” талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назарий масалалари” деб номланган бўлиб, унда “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш педагогик муаммо сифатида ёритилиб, “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни ҳамда “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назария ва амалиётдаги ахволи тўғрисида сўз юритилган.

Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш кўп боскичли жараён бўлиб, унда қўйидаги боскичлар асосий ўрин тутади: 1) бошлангич педагогик таълим; 2) олий педагогик таълим; 3) мустакил-малакавий таълим (мустакил таълим ёки малака ошириш таъими).

Бошлангич касбий таълим негизида “Ижтимоий педагогика” асослари асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида берилиб, бўлажак мутахассислар ижтимоий-педагогик фаолиятнинг умумий мазмуни, йўналишлари, унинг самарадорлигига таъсир этувчи педагогик шарт-шароитлар ва психологик омиллар, шакл, метод ва воситалари билан танишадилар.

Олий педагогик таълим негизида эса ижтимоий-педагогик фаолиятнинг ташкил этилиш тарихи, ижтимоий мухитда шахс ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, “Ижтимоий педагогика” категориялари, тамоилилари, соҳада олиб борилган тадқиқотлар, ижтимоий-педагогик фаолият технологияси, ижтимоий-педагогик ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатлами ва улар билан ишлаш борасидаги назарий ва амалий қўнимка-малакалари бойитилади.

Мустакил-малакавий таълим эса мутахассисни соҳада рўй бераётган янгиликлар, ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга оид илғор технологиялар, методлар ва ёндашувлар билан доимий танишиб бориш имкониятини яратади.

Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш икки шаклда: 1) мажбурий педагогик таълим (давлат томонидан тасдиқланган ДТС, ўкув дастурлари, ўкув режасига мувоғиқ); 2) мустакил таълим олиш (талабаларнинг ўз устиларида ижодий изланишлари) орқали тайёрланади.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаща кўйидаги тамоилиларга таяниш кутилган натижажа кўлга киритиш имконини беради: максадга йўналтирилганлик; жараёнга яхлит, мажмуавий ва технологик ёндашув; илмийлик; узлуксизлик ва

тизимлик; назариянинг амалиёт билан бирлиги; субъективлик; муқобиллик; индивидуаллик ва кўргазмалилик.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабалар кўйидаги билим, кўнишка ва малакаларни пухта ўзлаштириб боришлари зарурdir: 1) тарбияланувчиларнинг умумий ривожланишларини назорат қилиб бориш; 2) уларнинг соғликларини сақлаш ва салбий таъсирлардан муҳофазалаш; 3) тарбияланувчиларни мактаб таълимига тайёрлаш; 4) уларда ижобий сифатларни шакллантириш; 5) тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларнинг фаол иштироқчиси сифатида шакллантириш.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда кўйидаги йўналишлар устуворлик касб этади (1-расм):



1-расм. Тарбиячиларниг ижтимоий-педагогик фаолияти йўналишлари

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг умумий моҳияти кўйидаги андозада ўз аксини топган (2-расм).

Диссертациянинг иккинчи боби ““Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик омиллари” деб номланган бўлиб, таълим жараёни ва аудиториядан ташкари шароитда “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш имкониятлари ўрганилган, шунингдек, “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида онлаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

## “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ИПФга тайёрлаш



**2-расм. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёrlаш жараёнининг умумий моҳияти**

Олий таълим муассасаларида “Ижтимоий педагогика” фанининг ўқитилиши Давлат таълим стандартлари, ўкув дастури ва ўкув режасига мувофиқ амалга оширилади. Тадқиқотни олиб бориш даврида:

1) таълим жараёнининг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг дидактик имкониятларини ўрганиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш хамда янги имкониятларни излаб топишга;

2) таълим жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат ҳамда натижаларни баҳолаш ва тахлил қилиш каби боскичларини методик жиҳатдан тўғри ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилди.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда илгор педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба-синов ишлари “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда: 1) дастурий таълим; 2) модул таълими; 3) муаммоли ўқитиш; 4) ривожлантирувчи таълим; 5) интерфаол таълим; 6) ўйин технологиялари каби илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади. Амалий фаолият даврида мазкур таълим турларидан фойдаланишининг самарадорлиги тажриба гурухлари мисолида ўрганилди. Машгулотларнинг фаол баҳс-мунозара, кичик гурухларда ишлаш, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилиши эса таълим самарадорлигини таъминлаш билан бирга талабаларнинг назарий билимларини амалий малакаларга айланishiни таъминлади.

Республика олий таълим муассасалари фаолиятининг мухим таркибий қисмларидан бири – бу аудиториядан ташқари ишлар хисобланади. Аудиториядан ташқари ишлар шакли, йўналиши ва мазмуни хилма-хил бўлса-да, ягона мақсадга баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга йўналтирилади, таълим жараёнida ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўнимка ҳамда малакаларни янада ривожлантириш орқали талабаларнинг дунёкарашларини кенгайтиради.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнida аудиториядан ташқари ишларнинг турли шаклларидан самарали фойдаланиш мумкин. Тажриба-синов ишларини олиб бориш вактида мустақил таълим, тўғарак ишлари, талабаларнинг илмий анжуманлари ҳамда индивидуал ишлар талабалар томонидан “Ижтимоий педагогика” фани асосларини пухта ўзлаштириш, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш муаммоларини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этиши аниқланди.

Машгулотларнинг қандай шаклда ташкил этилишидан қатъий назар талабаларни ижодий лойиҳаларни ишлаб чикишга ундаш назарий билимларни мустаҳкамлаш билан бирга тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилди.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда улар томонидан оиласаларга методик ёрдам кўрсатиш

малакаларининг ўзлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилип мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий педагог томонидан оиласа кўрсатиладиган педагогик ёрдамнинг мақсади шубҳасиз инкиrozли вазиятларни ҳал қилишдир. Мазкур мақсадга таянган холда ижтимоий педагог оила билан иш юритишда куйидаги субъектлар сифатида намоён бўлади.

Талабалар бўлажак мутахассис сифатида оилаларга кўрсатилувчи ижтимоий-педагогик ёрдамнинг таълимий, психологик ҳамда воситачилик хусусиятга эгалигини ёдда тутишлари ва бу жараёнда куйидаги жиҳатларни инобатга олиш лозимлигидан хабардор бўлишлари керак: ёш ота-оналарнинг бўлажак фарзандларини тарбиялашлари учун педагогик ва ижтимоий-биологик тайёргарлиги; бир мунча ҳаётий тажрибага эга ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясини тўғри ташкил этиш, уларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш борасидаги билимлари даражаси; ота-оналарнинг болаларда тенгдошларига нисбатан адеквант муносабатни шакллантиришдаги ўрни; бола тарбиясида ота-оналарнинг шахсий намунаси ва обў-эътиборининг аҳамияти; оиласа турли авлодларнинг ўзаро оналарнинг болаларга педагогик таъсири кўрсатишда самарали усуулларга эгаликлари; оиласа болалар ва ота-оналар ҳамда ёши катта оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг ижтимоий хусусиятга эгалиги; ота-оналар ёки ёши катта оила аъзоларининг ижтимоий мухит билан алоқага кириша олиш лаёкатлари.

“Ижтимоий-педагогика” фани асосларини ўзлаштириш чоғида талабалар оиласа турли педагогик методик ёрдамида оиласа тарбияни таъминлаштиришда ошириш мақсадга мувофик эканлигини ҳамда бу тарзда йўл тутиш ижтимоий-педагогик фаолият самарадорлигини ҳам таъминлашини инобатга олишлари лозим.

Тажриба-синов ишлари даврида талабалар куйидаги умумий андоза ёрдамида оиласа методик ёрдам кўрсатишнинг технологик харитасини ишлаб чиқиц кўнікмаларини ўзлаштирилар (3-расм).

Талабалар, шунингдек, тарбиячи томонидан ижтимоий-педагогик фаолиятининг тўғри ташкил этилишига имкон берувчи “Оила харитаси”нинг шакллантириш кўнікмаларини ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўлдишлар. Мазкур харита таркибий жиҳатдан икки кисмдан иборат бўлиб, уларда куйидаги маълумотлар ўз аксини топиши лозим:

1) асосий кисем – унда оиласининг ҳар бир аъзосининг тавсифи, туғилган санаси, оила мақоми, яшаш шароитлари, кўшничилик, оиласининг диний ва миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади;

2) илова – унда оиласа бола тарбиясини ташкил этиш жараёнининг мөхияти (ота-оналарнинг бола тарбияси учун ажратадиган вактлари, унинг шакллари, бу жараёндаги фаолиятлари, ота-оналарнинг фарзандлари шахсини ёритувчи (боланинг қизиқишилари, хоших-истаклари, интилишлари, дўстлари, саломатлиги ҳолати ва бошқалар тўғрисидаги) маълумотлар ёритилади.

Диссертациянинг учинчи бобида эса тажриба-синов ишларининг кўйилиши, асосий боскичлар мөҳияти, тажриба-синов ишлари натижаларининг динамик ўсиши ва уларнинг статистик таҳлили ёритилган бўлиб, боб ““Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш механизми” деб номланган.



**3-расм. Оиласларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш боскичлари**

Тадқиқот негизида ташкил этилган тажриба-синов ишлари кўйидаги методикага асосланди: 1. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид назарий билимлари даражасини ўрганувчи анкета сўрови. 2. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид амалий кўнкима ва малакалари даражасини ўрганувчи анкета сўрови. 3. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш дастури. 4. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашга оид тадбирлар (дарс ҳамда аудиториядан ташқари маънавий-маърифий ишлар) лойихаси. 5. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид назарий билим, амалий кўнкима ва малакалари даражасини баҳоловчи тестлар. 6. Талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлик даражасини ёритувчи технологик харита.

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самаравли тайёрлашга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни ўрганиш оркали талабаларни зарур назарий билим, амалий кўнкима ва малакаларни билан куроллантиришдан иборат қилиб белгиланди. Мазкур мақсадга эришишга каратилган амалий фаолият кўйидаги йўналишларда ташкил этилди:

1) "Мактабгача таълим" йўналиши талабалари ўртасида ижтимоий-педагогик фаолият асосларига оид назарий ҳамда амалий билимларни тарғиб этиб бориш;

2) маҳсус дастур асосида талабалар томонидан мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларининг ўзлаштирилишини таъминлайдиган курслар, амалий семинар ҳамда тренингларни ташкил этиш;

3) талабаларга индивидуал, гурухли ва оммавий топшириқларни бериш орқали улар томонидан мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид илғор тажрибаларнинг ўрганилишини йўлга кўйиш, шунингдек, уларнинг шахсий тажрибаларини бойитиш.

Тажриба-синов ишларига педагогика олий таълим муассасаларида "Мактабгача таълим" йўналишида таҳсил олаётган 300 нафар респондент-талаба жалб этилди. Жами респондент-талабалар тасодифий танлов тамойилига мувоғик кўйидаги тажриба (148 нафар) ва назорат (152 нафар) гурухларига бириктирилдилар.

"Мактабгача таълим" йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлашга оид тажриба ишларини ташкил этишда диссертант томонидан асосланган маҳсус ўкув-мавзувий режа, дастур ва методика тажриба гурухларида бевосита синовдан ўтказилган бўлса, назорат гурухларидан одатдаги тартибда, ойлик иш режаси асосида иш кўрилди.

"Мактабгача таълим" йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлиги кўйидаги мезонлар бўйича аникланди:

1. Талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид назарий билимларга эгаликлари.

2. Талабаларнинг тарбияланувчиларни ижтимоий мослаштириш борасидаги амалий кўникма ва малакаларга эгаликлари.

3. Талабаларнинг оиласаларга методик ёрдам кўрсата олиш кобилиятига эгаликлари.

4. Талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндаша олишлари.

Уч боскичдан иборат тажриба-синов ишлари даврида талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолият асосларига оид билим, кўникма ва малакалари юкорида кўрсатилиган мезонлар бўйича аникланиб, юкори, ўрта ва паст дараҷалар тарзида гурухланди. Уларга асосан асословчи ва таъкидловчи тажриба боскичлари ўзаро қиёсий ўрганилди (1- ва 2-жадваллар).

Тавсия этилган методиканинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида таъкидловчи тажриба боскичида якуний натижалар статистик таҳлил килинди. Математик-статистик таҳлил учун Стьюент методи танланди.

Танланган метод моҳиятига кўра кўйидаги икки фарз илгари сурилди: мукобил фарз ( $H_1$ ) ва бошлангич фарз ( $H_0$ ) (яъни ҳар икки гурух натижаларининг тенг ёки фарқли эканлиги тўғрисидаги гоя) илгари сурилади.

Хар икки фаразга кўра  $(x-m_r)-(y-m_h) = x-y$  тушиши лозим бўлган ишончлилик оралиги қўйидаги формула ёрдамида топилди:

$$-t_{\alpha} \sqrt{\frac{S_r^2}{n_1} + \frac{S_h^2}{n_2}} \langle X - Y \rangle t_{\alpha} \sqrt{\frac{S_r^2}{n_1} + \frac{S_h^2}{n_2}}$$

1-жадвал

**Респондент-талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш қўникма ва малакаларга эгаликлари даражаси  
(тажриба гурухлари)**

Гурухлар	Талабаларининг амалий қўникма ва малакаларига эгаликлар даражаси					
	Респондент-талабалар сони = 148 нафар					
Босқичлар	Юкори		Ўрта		Паст	
	Нафар	Фоиз	Нафар	Фоиз	Нафар	Фоиз
Асословчи тажриба	22	14,9	40	27	86	58,1
Таъкидловчи тажриба	49	31,1	74	50	25	16,9

2-жадвал

**Респондент-талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш қўникма ва малакаларга эгаликлари даражаси  
(назорат гурухлари)**

Гурухлар	Талабаларининг амалий қўникма ва малакаларига эгаликлар даражаси					
	Респондент-талабалар сони = 152 нафар					
Босқичлар	Юкори		Ўрта		Паст	
	Нафар	Фоиз	Нафар	Фоиз	Нафар	Фоиз
Асословчи тажриба	26	17,1	34	22,4	92	60,5
Таъкидловчи тажриба	32	21,1	57	37,5	63	41,4

Формулага солиш учун 1- ва 2-жадвал, яъни талабаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш қўникма ва малакаларга эгаликлар даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар кабул килинди. Хисоб-китоб натижалари қўйидаги кўрсаткичларни ташкил этди:

Тажриба гурухларида:

$$X = 4,14; (X)^2 = 17,14; X = 17,64; S_r^2 = 0,50; S_r^2/n = 0,003$$

Назорат гурухларида:

$$Y = 3,82; (Y)^2 = 14,59; Y^2 = 15,26; S_h^2 = 0,67; S_h^2/n = 0,004$$

Жадвал кўрсаткичларига асосан  $t_2$  микдор  $\alpha=0,05$  дан топилади, яъни  $t_2=1,96$ . Бу ҳолатда ишончлилик оралиги қўйидагига teng:

$$(-1,96 \cdot \sqrt{0,007}; \quad 1,96 \cdot \sqrt{0,0007}) = (-0,16; \quad 0,16)$$

Демак,  $X-Y = 0,50 - 0,67 = - 0,17$ . Ҳосил бўлган қиймат ишончлилик оралиғига тушмайди. Бу эса олинган натижаларга кўра, бошланғич ( $H_0$ ) фараз рад этилиб, мукобил фараз ( $H_1$ ) яъни,  $x > y$  кабул қилинади.

### 3.ХУЛОСА

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижалари «Мактабгача таълим» йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда мазкур жараён самарадорлигини кафолотловчи барча таркибий кисмлар(ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни, омиллари, босқичлари, йўналишлари, технологиялари)нинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Глобаллашув шароитида умуминсоний мадданиятнинг кенг кўламда тараккий этиши билан бирга шахснинг ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар (психологик зўрикиш, носоғлом турмуш тарзининг қарор топиши, ижтимоий муносабатларда девиант ҳолатларнинг кўзга ташланиши ва бошқалар)нинг юзага келганлиги шахсни ижтимоийлаштириш эҳтиёжининг долзарблашувига сабаб бўлди. Манбаларни ўрганиш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишиш педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш долзарб муаммолардан бири эканлигини тасдиқлади.

2. Ривожланган хорижий мамлакатларда ижтимоий-педагогларни тайёрлаш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, миллий ва минтавий хусусиятларни инобатга олган холда улардан олий таълим тизимида фойдаланиш кутилган натиани кўлга киритишига имкон беради.

3. Тажриба-синов ишлари республика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш борасида муайян тажрибалар тўпланганлигига қарамай, айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини тасдиқлади.

4. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг етакчи шакли сифатида таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этиш мақсадга мувофиқиди.

5. Тадқиқотни олиб бориш даврида олий таълим муассасалари амалиётida дастурий, мустакил ва табакалаштирилган таълим турларидан фойдаланиш самарави эканлиги маълум бўлди.

6. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда уларнинг мустакил таълим олиш ҳамда ижодкорлик кўникма ва малакаларига эга бўлишларига эътибор қаратиш талаб этилади.

7. Амалиёт учун тавсия этилаётган махсус методика талабаларда ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга янгича ёндашиш кўникма ва малакаларини янада ривожлантиришга имкон беради.

8. Талабалар томонидан оиласларга методик ёрдам кўрсатиш борасидаги билимларнинг пухта ўзлаштирилиши тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётта мослаштиришга нисбатан ягона ёндашувни қарор топтиришига хизмат қиласди.

## ТАВСИЯЛАР

1. Олий таълим муассасаларида мустакил таълимнинг мухим шакли сифатида масоғавий таълимдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш.

2. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид таъкибаларни ўрганиш ва уларнинг илгор жиҳатларидан республиканинг олий таълим муассасаларида самарали фойдаланиш.

3. Республика мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш борасида тўпланётган таъкибаларни умумлаштириш ва уларни талабалар ўртасида кенг тарғиб этиш.

4. Педагогика олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида ташкил этиладиган фан олимпиадаси шартлари таркибига “Ижтимоий педагогика” фани асосларига оид билим, кўнікма ва малакаларни баҳолашга оид шартнинг киритилишини таъминлаш.

5. Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда олий таълим ва мактабгача таълим муассасалари ўртасида узвий ҳамкорликка эришиш.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Содикова Ш.А. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилуви ижтимоий-педагогик фаолият моҳияти // Соглом авлод. – Тошкент, 2008 – №4. – Б.31-32.

2. Содикова Ш.А. Тарбиячиларнинг мактабгача таълим ёшидаги болаларни ижтимоийлаштиришдаги роли // Халқ таълими. – Тошкент, 2008 – №5. – Б.119-122.

3. Содикова Ш.А. “Ижтимоий педагогика”ни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008 – №2. – Б.16-18.

4. Содикова Ш.А. Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик хизматни такомишлиштириш муаммолари // II-Халқаро илмий-амалий анжуман тезис ва мақолалар тўплами. – Т.: А.Авлоний номидаги ПХМОҚТРМИ, 2008. – Б.153-155.

5. Содикова Ш.А. Оиласларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишнинг мухим босқичлари // Илмий-назарий конференция материаллари. – Т.: Оила илмий-амалий маркази, 2008. – Б.127-128.

6. Содикова Ш.А. Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш. Методик кўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2009. – 65 б.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Содикова Шоиста Акбаровнанинг 13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи ихтисослиги бўйича ““Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** олий таълим муассасалари, “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари, бўлажак педагогларни тайёрлаш, ижтимоий-педагогик фаолият, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, дастурий таълим, мустакил таълим, ижтимоий-педагогик фаолиятга технологик ёндашув.

**Тадқиқот обьекти:** педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқот максади:** педагогика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмунини ёритиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот методлари:** муаммога оид фалсафий, педагогик, психологик хамда социологик адабиётларни ўрганиш; киёсий-педагогик таҳлил; ижтимоий методлар (сўров, анкета, савол-жавоб; сұхбат, тест, интервью); педагогик кузатиш; моделлаштириш, педагогик тажриба; эксперт баҳолаш, математик статистика.

**Олинганд натижалар ва уларнинг янгилиги:** “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга самарали тайёрлаш имконини берувчи омиллар ўрганилди; самарали шакл, метод ва воситалар аникланди; муаммо ечимини топишга хизмат қилувчи технологик лойихалар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-технологик асосларини ишлаб чиқиш негизида: 1) педагогика олий таълим муассасаларининг педагоглари методик ишланмалар билан куролланадилар; 2) педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш кўнинма ва малакалари шакллантирилади; 3) “Ижтимоий-педагогика” ўкув фани асослари мазмунан бойитиласи.

**Татбик этиш даражаси ва ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқотнинг мухим назарий ғояларидан педагогика йўналишида фаолият олиб борувчи олий таълим муассасалари фаолиятида бевосита фойдаланиш оркали мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини ижтимоий хаётга мослаштиришда сезиларли муваффақиятларга эришилади.

**Қўлланиш соҳаси:** мактабгача ва олий таълим муассасалари, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими.

## **РЕЗЮМЕ**

диссертации Содиковой Шоисты Акбаровны на тему: «Подготовка студентов направления «Дошкольное образование» к социально-педагогической деятельности» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – общая педагогика, история педагогики и образования

**Ключевые слова:** учреждения высшего образования, студенты направления «Дошкольное образование», подготовка будущих педагогов, социально-педагогическая деятельность, воспитанники учреждений дошкольного образования, программируемое обучение, технологический подход к социально-педагогической деятельности.

**Объект исследования:** процесс подготовки студентов направления «Дошкольное образование» в педагогических высших учебных заведениях к социально-педагогической деятельности.

**Цель исследования:** освещение содержания подготовки студентов направления «Дошкольное образование» в педагогических высших учебных заведениях к социально-педагогической деятельности и разработка научно-методических рекомендаций.

**Методы исследования:** изучение философской, психологической, а также социологической литературы по теме исследования; сравнительный педагогический анализ; социальные методы (опрос, анкетирование, вопрос-ответ, собеседование, интервью); педагогические наблюдения, моделирование, педагогический эксперимент; экспертная оценка, математическая статистика.

**Полученные результаты и их новизна:** изучены факторы эффективной подготовки студентов направления «Дошкольное образование» к социально-педагогической деятельности; определены эффективные формы, методы и средства; разработаны технологические проекты, служащие нахождению решения проблемы.

**Практическая значимость:** в основе разработки организационно-технологических основ подготовки студентов направления «Дошкольное образование» к социально-педагогической деятельности лежат: 1) педагоги высших педагогических учебных заведений вооружаются методическими разработками; 2) у студентов направления «Дошкольное образование» в педагогических высших учебных заведениях формируются умения и навыки эффективной организации социально-педагогической деятельности; 3) обогащается содержание учебной дисциплины «Социальная педагогика».

**Степень внедрения и социальная эффективность:** использование важных идей исследования непосредственно в деятельности высших педагогических учебных заведениях способствует достижению значительных успехов в адаптации к социальной жизни воспитанников.

**Область применения:** учреждения дошкольного и высшего образования, а также система повышения квалификации и переподготовки кадров

## R E S U M E

Thesis of Sodikova Shoista on the scientific degree competition of the candidate of pedagogical sciences on specialty 13.00.01 – general pedagogics, history of pedagogics and education, subject “**Preparation of “Preschool education” direction’s students for social and pedagogical activity**”

**Key words:** higher education institutions, “Preschool education” direction’s students, future teachers’ training, social and pedagogical activity, preschool education institutions’ educators, program education, technological approach to social and pedagogical activity.

**Subjects of the inquiry:** the process of “Preschool education” direction’s students’ preparation for social and pedagogical activity in higher pedagogical education institutions.

**Aim of the inquiry:** reveal the contents of “Preschool education” direction’s students’ preparation for social and pedagogical activity in higher pedagogical education institutions and work out scientific-methodical recommendations.

**Methods of inquiry:** study of philosophic, psychological and social literature referring theme of research; comparative pedagogical analysis; social methods (questioning, questionnaire, question-answer, interview); pedagogical observations, modeling, pedagogical experiment; expert’s assessment, mathematical statistics.

**The results achieved and their novelty:** the factors of effective students’ preparation of “Preschool education” direction for social and pedagogical activity have been studied; efficient forms, methods and means have been determined; technological projects serving to solve problem have been developed.

**Practical value:** on the basis of developing organization-technological bases of students’ preparation of “Preschool education” direction for social and pedagogical activity there are: 1) teachers of higher pedagogical education institutions are equipped with methodical appliances; 2) the students of “Preschool education” direction in higher pedagogical education institutions are formed skills and habits of effective organizations for social and pedagogical activity; 3) the contents of “Social pedagogics” course is being enriched.

**Degree of embed and economic effectivity:** using of main ideas of research in higher pedagogical education institutions’ activity assures success achievement in educators’ adaptation to social life.

**Sphere of usage:** preschool and higher education institutions, and the system of upgrading qualification and retraining of pedagogical specialists as well.

Босишга рухсат этилди 04.11.2009 йил. Бичими 60x84 1/16.  
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табори 1,0. Тиражи 100. Буюртма №200.

«Fan va texnologiya Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-йй.